Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 9 ноябрь, чоршанба • № 89 (11.788) • Эркин нархда сотилади

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ





**7 ноябрь куни халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятининг салоҳияти ва имкониятлари катта эканлигини таъкидлади. Вилоят қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш, умуман, барча соҳаларда улкан имкониятларга эга. Ҳатто табиий шароит, тупроқ унумдорлиги, сув ва моддий ресурслар нуқтаи назаридан бошқа ҳудуд ва минтақаларга нисбатан афзал жиҳатлари кўп.

Бутун юртимизда бўлгани каби сўнгги йилларда вилоятда ҳам кўпгина соҳа ва тармоқларда, аксарият туман ва шаҳарларда муайян ўзгаришлар амалга оширилди. Айниқса, "Олмалиқ кон-металлургия", "Ўзбекистон металлургия", "Ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар" комбинатлари, "Оҳангарон-цемент", Ангрен кўмир кони каби йирик ишлаб чиқариш қувватларига эга корхоналар нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Айни пайтда, деб таъкидлади мамлакатимиз раҳбари, вилоятда одамлар астойдил ишлаётгани, қанча-қанча жамоалар таҳсинга сазовор ютуқларни қўлга киритаётганига қарамай, вилоят ҳаётида, унинг ривожида кўпгина хато-камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бундай салбий ҳолатлар, айниқса, вилоят ва туман даражасидаги баъзи раҳбарлар фаолиятидаги лоқайдлик ва ўзибўларчилик кайфияти кишиларнинг норозилиги ҳамда эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда аксарият саноат корхоналари ҳозиргача бозор иқтисодиётининг кескин талабларига мослаша олмаётгани туфайли 37 корхонада ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига йўл қўйилган. Бу эса салкам 77 миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилишига олиб келган. Хорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг 43 таси фаолият кўрсатмаяпти.

Шу йилнинг 9 ойи давомида вилоятга ўзимизда тайёрлаш ёки ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлган тўқимачилик маҳсулотлари, цемент, гипс, алебастр, совун ва кир ювиш воситалари, ўсимлик ёғи, чинни ва сантехника буюмларининг кўплаб миқдорда четдан олиб келингани ҳисобига импорт ҳажми 143 фоизга кўтарилиб кетган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни кенг ва изчил амалга ошириш, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш жабҳасида ҳам жиддий оқсашлар кўзга ташланмоқда. Фермерларнинг ялпи ҳосилни етиштиришдаги улуши республика миқёсида пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам 70 фоизни ташкил этгани ҳолда, Тошкент вилоятида бу кўрсаткич пахтачиликда 43 фоиз, ғаллачиликда эса 40 фоиздан ошмаяпти.

Жорий йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарида қорамоллар сони ўтган йилга нисбатан 2,5 мингтага камайгани чорвачилик тармоғида ишларнинг тўғри йўлга қўйилмаганидан далолатдир. Вилоятда ер ресурсларини талон-торож қилиш билан боғлиқ қатор нохуш ҳолатлар аниқланган. Қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий соҳалар ривожи ҳам талаб даражасида эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Козим Тўлаганов Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Бекобод тумани ҳокими бўлиб ишлаб келаётган Мирзамашрап Куччиев Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Оҳангарон туманидаги "Оҳангарон" ширкат хўжалиги раиси Ш.Умрзоқов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати М.Қориева, Олий Мажлис Сенати аъзоси, "Ўзбекистон металлургия комбинати" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А.Фармонов, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Қ.Санақулов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгашининг биринчи котиби С.Аъзамов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Чирчиқ шаҳар кенгашининг раиси; "Ҳаракат-плюс" кичик корхонаси раҳбари О.Саидов, Чиноз туманидаги "Муқимий" фермер хўжалиги раҳбари М.Эрхўжаев ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик, ташаббускорлик ва масъулият билан адо этиш вилоят аҳлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

**ЎзА.**

***СУРАТЛАРДА:*** *сессиядан лавҳалар.*

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## М.Р.Куччиевни Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Мирзамашрап Раззоқович Куччиев Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 7 ноябрь.

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## К.Н.Тўлагановни Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Козим Носирович Тўлаганов Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 7 ноябрь.

---

## Тошкент вилоятининг ҳокими Мирзамашрап Раззоқович КУЧЧИЕВ



1954 йили Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида туғилган. Ўзбек, маълумоти олий, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатган. Мутахассислиги — олим-зоомуҳандис. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1971 йили Бухоро вилояти Қоракўл тумани механизациялашган қурилиш колоннасида ишчи сифатида бошлаган. 1977-1982 йиллари — Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтида лаборант, аспирант. 1991 йилгача Қибрай туманидаги «Қизил шалола» тажриба хўжалигида сутчилик мажмуи бошлиғи, бош зоотехник бўлган. 1996 йил Қибрай тумани ҳокими этиб тасдиқлангунича, агросаноат тизимида турли раҳбарлик вазифаларида ишлаган. 2000-2004 йиллари Паркент, 2004 йилдан буён Бекобод туманларининг ҳокими бўлган.

2005 йил 7 ноябрь куни Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти ва Бекобод тумани кенгашларининг депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси.

---

# МАВЖУД САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли депутатлар!

Муҳтарам юртдошлар!

Аввалимбор, бугун сиз, азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, сизларга, сизлар орқали бутун вилоят аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сиз, халқ ноиблари, вилоят ва туман раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан бўладиган ҳар қандай учрашув, суҳбат ва мулоқотлар, фикр алмашишлар бугунги долзарб ва муҳим муаммоларнинг ечимини топиш, тегишли режалар тузиш учун замин туғдиради, керакли хулосалар чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода, бундай учрашувларни мен ўзим учун доимо катта бир масъулият деб қабул қиламан.

Бугунги учрашувимиз ҳам тасодифий эмаслигини, бунга муайян сабаблар борлигини, албатта, ҳаммангиз яхши биласиз, деб ўйлайман. Ўз-ўзидан равшанки, вилоят олдида турган ғов-тўсиқларни бартараф этиш, ечимини кутаётган қатор муаммоларни ҳал қилиш зарурати шу мажлисни ўтказишни тақозо этмоқда.

Шунинг учун ҳам ушбу сессия кун тартибига қўйилган масаланинг Тошкент вилояти ҳаёти, эртанги кунига бевосита дахлдор эканини чуқур англаган ҳолда, мажлисда қатнашаётган депутатлар бўладими, вилоят фаоллари бўладими, барчамиз бу масалага масъулият билан ёндашамиз, деб ишонаман.

Биз бундан салкам икки йил аввал мана шундай мақсад ва ниятлар билан шу залда йиғилиб, Тошкент вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, вужудга келган жиддий муаммоларни ечиш йўллари ҳақида атрофлича гаплашиб олганимизни ҳаммамиз яхши эслаймиз.

Ўша пайтдаги ўзаро самимий руҳ, очиқ ва амалий фикр алмашувлар, танқидий мулоҳазалар ва айни пайтда сизлар билан катта-катта режаларни белгилаб олганимиз ҳам, ўйлайманки, ёдимизда.

Лекин, минг афсуски, бугун ана шу масалалар тўғрисида яна куюниб гапиришга тўғри келмоқда. Ва бунинг албатта аниқ сабаблари борлигини, холисона қараганда, барчамиз яхши тушунамиз.

Келинг, азиз дўстлар, биродарлар, бу ҳақда сўз юритишдан аввал Тошкент вилоятининг салоҳият ва имкониятлари ҳақида батафсил гаплашиб олайлик.

Вилоятда қайси соҳани – қишлоқ хўжалиги ёки саноатни оласизми, қурилиш, хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа ёки интеллектуал бойликларни оласизми, энг муҳими, кўпни кўрган, юқори малакали кадрларни оласизми – бу ердаги имкониятлар ҳақиқатан ҳам улкан эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Лўнда қилиб айтганда, табиий шароит ёки тупроқ унумдорлиги, сув ва моддий ресурслар нуқтаи назаридан бошқа ҳудуд ва минтақалар билан солиштирганда Тошкент вилоятига кўпроқ имконият ато этган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Айниқса, вилоят деҳқонларининг миришкорлиги ва омилкорлигини ортиқча таърифлаб ўтиришнинг, ўйлайманки, ҳожати йўқ.

Бугунги кунда юртимиздаги энг йирик, номи нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам машҳур корхоналар қаерда – Тошкент вилоятида. Уларда меҳнат қилаётган минглаб ишчи, муҳандис ва мутахассислар ўзининг ноёб малака ва тажрибаси билан ажралиб туради.

Бу ердаги мавжуд моддий-техник база, замонавий йўллар, ривожланган коммуникация тармоқлари, табиий газ, сув билан таъминлаш масалалари бўйича ҳам вилоятнинг имкониятларига ҳавас қилса арзийди.

Бутун юртимизда бўлгани каби сўнгги йилларда Тошкент вилоятида ҳам кўпгина соҳа ва тармоқларда, аксарият туман ва шаҳарларда, иккиланмасдан айтиш мумкинки, маълум ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Айниқса, "Олмалиқ кон-металлургия", "Ўзбекистон металлургия", "Ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар" комбинатлари, "Аммофос", "Электрокимёсаноат", "Оҳангарон-цемент", "Лаззат" акциядорлик жамиятлари, Ангрен кўмир конлари каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Шу борада Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 2004 йилда барча асосий

(Давоми 2-бетда).

---

## ПАРТИЯЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

**Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини янада кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эди.**

Зеро, депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва нодавлат, нотижорат жамоат ташкилотларининг жамиятдаги обрў-эътиборининг ортиб бориши, мавқеининг мустаҳкамланиши давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг кучайишини таъминлайди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Давра суҳбатида иштирок этган олимлар ва мутахассислар, юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар етакчилари ва фаоллари, Халқ депутатлари Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар кенгашлари депутатлари муҳокама этилган мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Н. АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

---

## АСКАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**Марказий офицерлар уйида Қуролли Кучлар сафидан захирага бўшатилган аскарлар билан учрашув бўлиб ўтди. Уни ташкил қилишда Мудофаа ишлари вазирлиги ташаббус кўрсатди.**

Самимий мулоқот давомида иштирокчилар давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ захирага чиқарилаётган аскарлар учун яратилаётган имкониятларни миннатдорлик билан ёдга олишди.

— Мен ҳарбий хизматни Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳрида ўтадим, — деди Маъмур Нурматов. — Белгиланган муддат давомида қийинчиликлар олдида бош эгмасликликни, чидам ва сабот билан тўсиқларни енгиб ўтишни, ота-онанинг қадрини билишни ўргандим. Насиб қилса, келгуси йили Тошкент давлат алоқа институтига ўқишга ҳужжат топширмоқчиман. Мендек собиқ аскарларнинг талаба бўлишдек орзуси ушалишида Президентимизнинг мазкур қарори катта ёрдам беради, деб ўйлайман.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

---

**Тошкент Давлат аграр университетида қатор илғор тажриба мактаблари таркиб топган. Олий ўқув юртининг сабзавотчилик кафедраси олимлари ҳам бу борада намуна бўлишмоқда.**

## ЎНДАН ОРТИҚ ЯНГИ НАВЛАР

Айниқса, помидор ва бодрингнинг серҳосил, касалликка чидамли нав ҳамда дурагайларини яратишда эришилаётган натижалар қувонарлидир. Илмий тажриба ишлари жараёнларида чет эл селекциясига мансуб помидор ва бодрингнинг бир неча янги нав ва дурагайлари синовдан яхши ўтди.

Шунингдек, япон турпининг «Куз ҳадяси» деб номланган нави истиқболли деб топилди. Кафедра олимлари саъй-ҳаракати билан республика ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига сабзавот-полиз экинларининг ўндан ортиқ навлари киритилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

---

## ЭКОЛОГИК ҲАШАР

**Ўтган шанба куни мамлакатимизнинг 6,7 миллион аҳолиси "Оролбўйи оналари ва болаларига" шиори остида ўтказилган умумреспублика экологик ҳашарида иштирок этди.**

У "Экосан" халқаро экология ва саломатлик ташкилоти ташаббуси билан Экология ва саломатлик кунларининг учинчи кузги босқичи доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб ўтказилди.

Ҳашар қатнашчилари астойдил меҳнат қилишди. Улар маҳаллалар, туражой даҳаларини ободонлаштириш, дарахт экиш, кўчалар ва аҳоли пунктларини тозалаш билан шуғулланди. Уларнинг аксарияти қишга тайёргарлик давомида таъмирлаш-тиклаш ишларида, саноат объектларидаги табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларда қатнашди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, шу куни 46,8 минг объект ҳудудида ободонлаштириш ишлари бажарилди. Жами 940 тонна саноат ва маиший чиқиндилар олиб чиқилди, қарийб уч мингта корхонада тозалаш иншоотлари таъмирланди. 2,8 минг километр суғориш тармоғи тозаланди. 6 миллион туп дарахт ва 35 миллион туп гул кўчати ўтқазилди.

Ҳашар куни ишлаб топилган маблағлар Оролбўйи, экологик вазият нохуш бошқа ҳудудлар аҳолисига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурини амалга оширишга сарфланади.

**ЎзА.**

# МАВЖУД САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

кўрсаткичлар бўйича режалар бажарилиб, 642 миллион сўмлик истеъмол товарлари тайёрлашга эришилганини, жами маҳсулотнинг 65,5 фоизи экспорт қилингани, маҳаллийлаштириш дастурига асосан қўрғошин ва ферромарганец ишлаб чиқариш лойиҳалари тўлиқ ўзлаштирилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундай ижобий ўзгаришларни қишлоқ хўжалигида, хусусан, унинг етакчи тармоғи бўлмиш пахтачилик ва ғаллачиликда ҳам кўриш мумкин.

Бундай ютуқларга эришишда Чиноз, Бекобод, Қуйичирчиқ ва Оққўрғон, Юқоричирчиқ ва Бўка, Ўртачирчиқ туманлари меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшганини айтиб ўтиш керак.

Вилоятда зарар кўриб ишлаётган паст рентабелли ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Масалан, Бекобод туманидаги "Бекобод" ширкат хўжалигида 2003 йили 1 минг 766 тонна пахта хомашёси тайёрланиб, шартнома режаси 61 фоизда қолиб кетган эди.

Жорий йилда ана шу ширкат негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари томонидан жами 3217 тонна пахта ҳосили етиштирилиб, ҳосилдорлик икки баробарга ошгани фермерлик ҳаракатининг нақадар истиқболли эканини тасдиқлаб турибди.

Ёки Чиноз туманидаги Муқим Эрхўжаев бошчилик қилаётган Муқимий номидаги фермер хўжалиги пахта ҳосилдорлигини 47,7 центнерга етказиб, шартнома мажбуриятини 190,6 фоизга бажарган. Шунинг ҳисобидан бу йилги даромади 119 миллион сўмни ташкил этган.

Бундай мисоллар фермерларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги тобора ортиб бораётгани ишда ҳал қилувчи омил бўлаётганини кўрсатади.

Кейинги йилларда вилоят бўйича қурилиш ва ободончилик соҳасида 21 миллиард сўмлик иш бажарилганини айтиб ўтиш ўринли.

Шу йилнинг 1 ноябригача 5 та янги мактаб қуриб фойдаланишга топширилгани, 39 та мактаб капитал реконструкция қилингани, 37 таси капитал, 11 таси эса жорий таъмирдан чиқарилгани, бу борада Бўстонлиқ, Чиноз, Паркент, Зангиота туманларида, Янгийўл ва Ангрен шаҳарларида ибратли ишлар амалга оширилгани эътиборга сазовор, албатта.

Бугунги кунда вилоятда жойлашган йирик саноат шаҳарлари бўлмиш Бекобод, Янгийўл ва Ангрен шаҳарлари ҳамда Бўка, Чиноз, Тошкент туманларининг марказларида ҳам ҳомийлар иштирокида ҳашар йўли билан бажарилган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида уларнинг қиёфаси ўзгариб бормоқда.

Айниқса, Чирчиқ шаҳрида "Баркамол авлод" спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш жараёнида Тошкент-Чирчиқ йўналишида 17 километрлик автомобиль йўли капитал таъмирлангани, Чирчиқ дарёси устидан 234 метр узунликдаги кўприк қуриб битказилгани аҳолининг узоғини яқин этишга хизмат қилади.

Айни пайтда Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида 13,5 минг кишига мўлжалланган стадион, очиқ ва ёпиқ замонавий сузиш ҳавзалари, 3 минг томошабинга мўлжалланган спорт манежи қурилгани ана шундай ижобий ишлар жумласидандир.

Бундай кенг кўламли ишларни амалга оширишда "ТошГРЭС қурилиш" ва "ЧорвоқГЭС қурилиш", "Бунёдкор" қурилиш фирмаси, "Ўзбекшахта-қурилиш" каби ташкилотларнинг улуши айниқса салмоқли бўлаётганини қайд этиш жоиз.

Вилоят аҳли эришаётган бундай натижалар мисолида аввало мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини, яъни одамларнинг ерга, мулкка, ҳаётга муносабати ўзгариб, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси, эгалик ҳиссиёти ортиб бораётганини кўриш мумкин.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Бир сўз билан айтганда, вилоятда одамлар астойдил ишлаяпти, қанча-қанча жамоалар таҳсинга сазовор ишларни амалга оширяпти.

Лекин, шу билан бирга, Тошкент вилоятида мавжуд бўлган, юқорида зикр этилган катта салоҳият ва имкониятлар тўлиқ ишга солиняптими, деган саволга, минг афсуски, ижобий жавоб бериш қийин.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, бундай улкан салоҳиятдан оқилона фойдаланиб, уни тўғри ишлатганда, одамларнинг қалбига йўл топиб, бугун замон талаб қилаётган самарали бошқарув усулларини жорий этган тақдирда, ҳеч шубҳасиз, Тошкент вилоятининг ҳисоботи кўриладиган мана шундай йиғилишларда фақат ғурур ва ифтихор билан гапириш ўринли бўлар эди.

Бироқ, вилоятнинг кейинги йилларда эришган натижаларига баҳо берадиган, уларни мамлакатимизнинг умумий иқтисодий ривожланиши, бошқа вилоят ва минтақалар билан таққослайдиган бўлсак, очиқ айтиш керак, мавжуд ҳолат кўпчиликни, авваламбор, шу ерда яшайдиган инсонларни қониқтирмаслиги муқаррар.

Таассуфки, биз ҳавас қиладиган марраларни қўлга киритишда Тошкент вилояти ҳамон ожиз бўлиб қолмоқда. Энг афсусли томони шундаки, биз бу ҳақда биринчи марта гапираётганимиз йўқ.

Ҳозирги кунда вилоят ҳаётида, унинг ривожида кўпгина хато-камчиликларга йўл қўйилаётгани, биринчи галда, одамларнинг норозилигини уйғотаётган салбий ҳолатлар, вилоят ва туман раҳбарлари, мутасаддилар фаолиятидаги лоқайдлик ва ўзибўларчилик кайфияти ҳеч кимни бепарво қолдирмаслиги табиий.

Бундай нохуш ҳолатларни вилоят иқтисодиётининг бир қатор соҳа ва тармоқларида кузатиш мумкин.

Саноат соҳасини олайлик. Вилоят бўйича ишлаб чиқариладиган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг қарийб 30 фоизи айнан шу соҳага тўғри келади.

Аммо ҳозиргача аксарият саноат корхоналари бозор иқтисодиётининг кескин талабларига ҳали-бери мослаша олмаётганини таассуф билан айтишга мажбурмиз.

Мавжуд 102 та корхонадан 37 таси ёки 36 фоизида ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига йўл қўйилгани ва бунинг оқибатида салкам 77 миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилгани, бошқача айтганда, шунча бойлик қўлдан чиқарилгани, одамни бепарво қолдириши мумкинми?

Қанча маблағ ва ҳаракатлар эвазига барпо этилган "Медиз", "Ўзмедкоттон", "Чиноз тўқимачи" сингари қўшма корхоналар, "Болалар таомлари" ва "Паллада Восток" корхоналари айланма маблағлар ҳамда хомашё етишмаслиги туфайли тўла қувват билан ишламаяпти.

Умуман, вилоятда хорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 225 та корхонадан 43 таси фаолият кўрсатмаётгани ҳам жиддий муаммо бўлиб турибди.

Давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг йўл очиб берилаётганига қарамасдан, вилоятда бу масалада ҳам сезиларли силжиш кўзга ташланмаяпти.

Вилоятда кичик бизнес субъектларининг ҳудудий ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 31,6 фоизни ташкил этади. Аммо уларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси жуда кам – атиги 8 фоиз, экспорт бўйича 7 фоиз даражасида қолмоқда.

Бу эса тадбиркорлик тузилмаларининг аксарияти ишлаб чиқариш билан эмас, кўпроқ олди-сотди ва тижорат билан шуғулланаётганидан далолат беради.

Тошкент вилоятида шу йилнинг 9 ойи давомида ташқи савдо айланмасининг ўсиш суръати 120,9 фоизни, экспорт – 110 фоизни ташкил этгани ҳолда, импорт ҳажми 143 фоизга кўтарилиб кетгани бизнинг иқтисодиёт соҳасидаги мақсадларимизга албатта жавоб бермайди.

Вилоятга четдан олиб келинаётган товарлар таркибида текстиль маҳсулотлари, цемент, гипс, алебастр, совун ва кир ювиш воситалари, ўсимлик ёғи, чинни ва сантехника буюмларининг улуши юқори экани бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришга ундайди.

Беихтиёр савол туғилади: нима, бу товарларни ўз корхоналаримизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш қийинми? Масалан, Тошкент воҳасида техника воситалари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга мослашган "Резина техника", "Интермаш", "Чирчиқ металл конструкция заводи", "Ангрен газмаш" ва "Трансформатор" каби корхоналар бўлгани ҳолда, бундай маҳсулотлар ҳам четдан келтирилмоқда.

Агар бундай ҳолат давом этаверадиган бўлса, биз ўзимизнинг эмас, чет эл корхоналарини ривожлантирган бўламиз, ўзимизда эмас, хорижий мамлакатларда иш ўринларини кўпайтирган бўламиз.

Энг ёмони, не-не машаққатлар билан топган валюта маблағларимизнинг четга чиқиб кетишига йўл қўйган бўламиз. Ваҳоланки, бутун дунёда ҳар қайси давлат, ҳар қайси мамлакат аввало ўзидаги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, уларнинг йўлини очиб беришга ҳаракат қилади.

Албатта, бу масалада мен сизларга қандайдир янгилик очиб бераётганим йўқ, бу ҳақда илгари ҳам кўп гапирганмиз. Мана шу оддий ҳақиқатни билатуриб, кўпгина жойларда, жумладан, Тошкент вилоятида ҳам бу борада ўзгариш бўлмаётгани ачинарлидир.

Қадрли халқ ноиблари!

Бу йил мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигида эришган тарихий ютуқлари ҳақида гапирганда, бир муҳим мезонга эътибор қаратиш ўринли, деб ўйлайман.

Яъни, қўлга киритилган юксак натижаларнинг сабаб ва омиллари кўп, лекин мен уларнинг асосий манбаи – барчамизни боқадиган ерга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариб бораётганида, деган бўлардим.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда деҳқон ва фермерларимиз, сен ерни боқсанг, ер сени боқади, деган азалий ҳикматни ўз фидокорона меҳнати билан исботламоқда.

Бир манзарани ўзимизга тасаввур қилайлик. Эрта баҳорда эндигина қори кетган далаларнинг қоп-қора шудгор бўлиб ётганини ҳаммамиз кўрганмиз.

Лекин, орадан бир неча ой ўтиб, мана шу қоп-қора дала ўрнида олтинранг буғдойзор ёки кўм-кўк пахтазор пайдо бўлишига, шип-шийдам боғлар уйғониб, хилма-хил, ширин-шакар меваларнинг оғирлигидан дарахтларнинг шохлари эгилиб кетишига одамнинг ишонгиси келмайди.

Шу маънода, деҳқончилик – мўъжиза яратиш билан баробар, десак, асло муболаға бўлмайди. Бу мўъжиза ҳар йил кўз ўнгимизда такрор бўлади. Биз бунга ўрганиб қолганмиз. Шунинг учун бундай мўъжизаларни яратадиган инсонлар меҳнатини ҳар қанча улуғласак арзийди, албатта.

Шу фурсатдан фойдаланиб, қўли қадоқ, бағрикенг, кўнгли очиқ, мана шу ерни гуллатиб-яшнатадиган заҳматкаш деҳқонларимизга барчамизнинг номимиздан чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмунини ташкил этадиган фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида ҳам вилоятда муайян ишлар қилинмоқда.

Бу ерда 8 минг 377 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларга жами 173 минг гектар ер майдони ажратилган.

Лекин, ҳозирги кунда фермерларнинг ялпи ҳосилни етиштиришдаги улуши республика миқёсида пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам ўртача 70 фоизни ташкил этаётган бир вақтда Тошкент вилоятида бу кўрсаткич пахтачиликда 43 фоиз, ғаллачиликда эса 40 фоиз даражасида қолаётгани бу соҳадаги оқсоқликни кўрсатади.

Бунинг сабаблари ҳақида гапирганда, аввало ерни ўз эгасига, ҳақиқий деҳқонга беришда расмиятчилик, керак бўлса, таъмагирлик ҳолатларига йўл қўйилаётгани, самарадорлиги паст ширкатлар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш масаласига бир қанча туманларда етарли эътибор берилмаётганини айтиш даркор.

Мисол учун, Юқоричирчиқ туманидаги "Туркистон" ва Яссавий номидаги, Ўртачирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" ва Навоий номидаги иқтисодий ночор хўжаликларнинг ҳанузгача фермер хўжаликларига айлантирилмаганини фақат шундай изоҳлаш мумкин.

Деҳқонларимизда яхши уруғ – мўл ҳосил гарови, деган чуқур маъноли гап бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент воҳасида маҳаллий шароитга мос, эртапишар, серҳосил ғўза навларини яратиш ишларини қониқарли деб бўлмайди. Оқибатда вилоятда пахта ҳосили кеч етилиб, уни йиғиб-териб олиш муддати чўзилиб кетмоқда.

Бу эса ўз навбатида тайёрланган пахта хомашёсининг сифатига салбий таъсир этишини тушуниш қийин эмас.

Ҳолбуки, вилоят ҳудудида қишлоқ хўжалигига ихтисослашган етакчи илмий-тадқиқот муассасалари фаолият олиб боради, аммо уларнинг илмий салоҳиятидан фойдаланиш масаласи тўғри йўлга қўйилмаган.

Мана, Қорақалпоғистон ва Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари билан Тошкент вилояти ерларининг унумдорлиги, мелиоратив ҳолати ўртасида қандай катта фарқ борлигини ҳаммангиз яхши биласиз.

Бугун бу вилоятларнинг деҳқонлари шўрланган ерларда, сув камчил бўлган оғир табиий шароитда ҳам мўл ҳосил олиш мумкинлигини ўз меҳнати билан исботлаяпти.

Хўш, Тошкент вилоятининг улардан кам жойи борми?

Албатта, вилоятнинг бу йилги пахта тайёрлаш режасини бажарганидан сизлар қатори мен ҳам мамнунман. Аммо пойтахт вилояти бу маррага охиргилар сафида етиб келганини – сизлар бу масалага қандай муносабат билдиришингизни билмадим-у, лекин мен бундай ҳолат Тошкент вилояти учун сира ярашмайди, деб ҳисоблайман.

Вилоятда яна бир нохуш ҳолат мавжудки, у ҳам бўлса, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ер ресурсларини талон-торож қилиш билан боғлиқ.

Энг ёмони, бундай бемаза ишларнинг масъул лавозимда ўтирган одамлар томонидан содир этилиши, ҳосилдор ва сувли ерларни қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик асосида ажратиб бериш ҳолатларига ҳануз чек қўйилмаяпти.

Ўтказилган текширишлар натижасида мансабдор шахслардан 17 нафари, жумладан, 5 нафар ҳокимлик идоралари ходими, икки нафар ширкат хўжалиги раиси ва 10 нафар бошқа мутасаддилар томонидан 822 гектардан зиёд ер майдонлари қонунга зид равишда уларнинг ўз яқинлари ва таниш-билишларига берилгани аниқланди.

Жумладан, Янгийўл туманидаги А.Ортиқов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси М.Мирбобоев сохта ҳужжатлар асосида ўз отаси номига 112 гектар ер ажратган.

Пскент туманидаги "Пскент" ширкат хўжалиги раиси И.Мираҳмедов эса 44 гектар экин майдонини туманда яшамайдиган ва хўжалик аъзоси бўлмаган фуқаро Ир Сенга пиёз экиш учун қонунга хилоф тарзда ажратиб берган. Ёки Қибрай туманидаги "Жомий" акциядорлик жамияти раиси Файзуллаев фуқаро Раҳмоновдан 4 гектар ер ажратиб бериш учун 1 миллион 200 минг сўм пора олаётганида ушланган.

Раҳбарларнинг ерга муносабати шундай бўлгач, ўзингиз айтинг, қишлоқ хўжалигида ижобий натижага эришиб бўладими?

Ердан самарасиз фойдалангани, унинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувига, бу борадаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйгани, кейинги йилларда сурункасига шартнома режасини бажармагани учун 11 та ширкат ва 85 та фермер хўжалигидан 4 минг 84 гектар ер қайтариб олингани ҳам бу масалада жиддий камчиликлар борлигини кўрсатади.

Маълумки, ер ва моддий ресурсларни талон-торож қилиш, улардан қонунга зид тарзда фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан прокуратура идоралари бундан уч-тўрт йил муқаддам назоратни кучайтирган эди.

Лекин, афсуски, кейинги пайтда бу ишлар бирмунча сусайиб қолганига гувоҳ бўляпмиз. Нима, прокуратура ходимларининг бундай нопок кимсалар олдида муттаҳамчилиги ёки тили қисиқ жойи борми?

Вилоятда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган чорвачиликда ҳам оқсоқлик аломатларини кўриш мумкин. Айниқса, наслчилик ишларининг тўғри йўлга қўйилмагани, чорва молларини сотиб олиш учун микрокредитлар ажратишдаги сансалорлик, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари фаолиятидаги нуқсонлар бунга сабаб бўлмоқда.

Жорий йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарида қорамоллар сони ўтган йилга нисбатан 2,5 мингтага камайгани ҳам шундан далолат беради.

Вилоятдаги молиявий аҳволга танқидий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, маҳаллий бюджетга қўшимча даромад манбалари яратиш имкониятига эга бўлган Оққўрғон ва Бекобод, Бўстонлиқ ва Бўка, Паркент, Қуйичирчиқ ва Пскент туманлари ҳамон дотациядан чиқолмаётгани, албатта, ташвишли ҳолдир.

Бюджетдан қарздорлик йилдан-йилга ортиб, бугунги кунда бу кўрсаткич вилоят бўйича 11 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этмоқда. "Зангиота", "Техтаъминот", "Бинокор", 1-темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятларида боқиманда қарздорлик кескин ўсиб кетган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, нақд пул тушумини ўз вақтида банкка топширмаган хўжалик субъектларига нисбатан ҳокимликларга киритилган 142 та тақдимнома юзасидан тегишли чора кўрилмаганига қандай баҳо берса бўлади?

Вилоятда яна бир муҳим соҳа – хусусийлаштириш жараёни ҳам суст бормоқда. Бу борадаги дастурда белгиланган жорий йил топшириғи атиги 52 фоизга бажарилгани, хусусийлаштирилган корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлил этилиб, уларни молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмагани шундай хулоса чиқаришга асос беради.

Ҳурматли депутатлар!

Тошкент вилоятида ижтимоий соҳадаги ишларнинг аҳволига назар ташлайдиган бўлсак, кейинги икки йилда бу борада бирмунча ишлар қилинганини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, шу йилнинг 9 ойи мобайнида 316 километр табиий газ, 116 километрдан зиёд ичимлик сув тармоғи ва 310 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилганини ижобий кўрсаткич сифатида қайд этиш лозим.

Вилоятда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш мақсадида 20 та шаҳар ва туманда 34 мингдан зиёд абонент рақамига эга бўлган коммутацион станциялар ишга туширилгани аҳолига қулайлик яратишда катта қадамдир.

Биз учун устувор масала бўлган соғлиқни сақлаш соҳасини оладиган бўлсак, жорий йилда 7 та қишлоқ врачлик пункти ва 8 та соғлиқни сақлаш объекти капитал таъмирланганини айтиш жоиз.

Шу билан бирга, бу борада қатор муаммолар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Янгийўл тумани марказий касалхонасининг туғуруқхона бўлими капитал таъмирга муҳтож, Юқоричирчиқ тумани марказий касалхонасининг биноси эса яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Ана шундай нуқсонлар туфайли вилоятда аҳоли, хусусан, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишда жиддий камчиликлар кўзга ташланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўткир юқумли касалликларга чалинган беморлар сони сезиларли даражада ошгани тегишли мутасаддиларни ташвишга солиши керак.

Албатта, кўп касалликларнинг сабаби ичимлик сувининг сифати билан боғлиқ. Қарийб икки ярим миллион аҳоли яшайдиган ушбу вилоят ҳудудида қишлоқ жойлардаги водопровод тармоқларининг 43 фоизи санитария талабларига жавоб бермаслигини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоятда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги жиддий нуқсон ва камчиликлар аҳолида ҳақли эътироз уйғотмоқда.

Бунинг асосий сабаби – маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли хизмат кўрсатиш ташкилотларига, уй-жой мулкдорлари ширкатларига расмиятчилик билан қараш ҳолатлари давом этаётгани, ҳисоб-китоб ишлари тўғри йўлга қўйилмагани, маҳаллалар билан ҳамкорликда иш олиб борилмаётгани билан боғлиқ.

Бунинг оқибатида аҳолининг коммунал хизматлар бўйича дебитор қарздорлиги 16,2 миллиард сўмни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан 4 миллиард сўмга ёки 1,3 марта ошган.

Биргина Ангрен шаҳрини оладиган бўлсак, бу ерда аҳолининг иссиқлик энергияси бўйича қарзи 2,4 миллиард сўмга, электр энергияси бўйича 1,5 миллиард сўмга, сув бўйича 24,2 миллион сўмга, эксплуатация тўловлари бўйича эса 31,5 миллион сўмга етгани бу ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганини тасдиқлайди.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини таҳлил қилар эканмиз, кўпгина аччиқ, танқидий гапларни айтишга тўғри келмоқда. Бу гаплардан мақсад – мавжуд вазиятни холис баҳолаш ва уни ўнглаш юзасидан керакли хулосалар чиқариш, зарур чоралар кўришдан иборат эканини, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши тушунасиз.

Бир ҳақиқат барчамизга аён бўлиши даркор: биз ўз олдимизга юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек юксак мақсадларни қўйган эканмиз, аввало, ўзини раҳбар деган, шу юрт фарзанди деган ҳар бир инсон келажакни, эл-улус манфаати ва равнақини ўйлаб яшаши керак.

Бу шунчаки баландпарвоз гап эмас, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган кескин талаб. Негаки, бутун мамлакатда бўлгани каби, Тошкент вилоятида ҳам аҳоли сони йил сайин кўпаймоқда.

Модомики, шундай экан, фарзандларимизни бугун қандай боқамиз, эртага қандай ўқитамиз ва тарбия қиламиз, балоғат ёшига етганида иш билан қандай таъминлаймиз? Бу саволларга бугуннинг ўзида жавоб топиш ва келажак пойдеворини ҳозирдан бошлаб барпо этиш керак эмасми?

Худога шукр, бу йил об-ҳаво қулай келиб, пахтакорларимизнинг омадини берди. Лекин, деҳқонларнинг таъбири билан айтганда, йил йилга ўхшамайди. Шунинг учун биз ҳар қандай ҳолатларга ҳам тайёр туришимиз, доимий, барқарор даромад манбаларини излаб топиш ва ишга солиш ҳақида бош қотиришимиз зарур.

Мана, мисол учун, Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш шохобчалари, кичик корхона ва микрофирмалар очиш, тоғли ва чўл ҳудудларида чорвачиликни ривожлантириш соҳасида қанча-қанча имкониятлар мавжуд, лекин, афсуски, улар ҳамон эътибордан четда қолмоқда.

Умуман, вилоятда вужудга келган иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин юқорида келтирилган факт ва рақамларнинг ўзиёқ аҳволнинг қандай эканини англаш учун кифоя қилади, деб ўйлайман.

Бундай ҳолатларнинг сабабини, биринчи навбатда, вилоят ва туман раҳбарларининг ишга бўлган муносабатидан, уларнинг ўз вазифаси ва бурчини қай даражада масъулият билан адо этаётганидан излаш ўринлидир.

Ҳақиқий раҳбар мана шу ер – меники, мана шу юрт – ўзимники, уни обод ва фаровон қилиш – менинг нафақат вазифам, балки муқаддас бурчим, деган эътиқод билан яшаши ва ишлаши зарур. Шундагина ташаббускор ва изланувчан, тиним билмайдиган раҳбар ҳар қандай муаммонинг ҳам ечимини топа олади.

Биз сизлар билан бирга бундан икки йил муқаддам вилоят ҳокими Козим Тўлагановнинг билим ва тажрибасига катта ишонч билдириб, уни мана шу масъулиятли лавозимга муносиб кўрган эдик.

Албатта, у ўз иш фаолияти давомида вилоятдаги вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун бирмунча ҳаракат қилганини эътироф этиш жоиз.

Аммо бугун Тошкент вилоятининг ўтган йилги ва бу йилги ривожланиш якунларини танқидий баҳолар эканмиз, айтиш мумкинки, узоқ ва давомли, эзгу мақсадларимиздан келиб чиқиб, вилоят олдига қўйилган муҳим вазифалар бажарилмади, белгиланган марраларга эришилмади.

Вилоят ҳаётида йўл қўйилган, юқорида зикр этилган катта камчилик ва нуқсонлар учун масъулиятни, табиийки, биринчи галда вилоят ҳокими ўз зиммасига олиши керак.

Шу ўринда бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишга тўғри келади. Раҳбарлик, етакчилик – у кичик жамоа, корхона ёки ташкилот бўладими, туман, шаҳар ёки вилоят бўладими – бундан қатъи назар, эл-юртнинг бошини қовуштириб, бирлаштиришни, уларни юксак марра ва мақсадлар сари сафарбар этишни, кимнингдир пешонасини силаб, кимгадир яхши гапириб, одамларнинг руҳини кўтаришни тақозо этади.

Шу билан бирга, раҳбар дегани кимгадир кескин талаб қўя олиши, керак бўлса, қаттиққўллик кўрсатиб, қатъият билан иш олиб бориши, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямасдан, кўпчиликни ўз ибрати билан ортидан эргаштириши, одамларда эртанги кунга ишонч уйғота олиши лозим.

Бунинг учун раҳбарнинг аввало ўзи ҳалол ва холис бўлиб, адолат билан иш юритиши керак.

Лекин сен менга тегма, мен сенга тегмайман, деган кайфият билан яшайдиган, бировнинг мушугини пишт дея олмайдиган раҳбарни бугунги замон мутлақо қабул қилмайди.

Ўзини ҳақиқий етакчи деб ҳисоблайдиган инсон бу хусусиятлар билан бирга, яна қандай фазилатга эга бўлиши керак, деса, мен, аввало фидойилик соҳиби бўлиши керак, деб айтган бўлардим.

Албатта, барча касб ва ҳунарларни эгаллаган, ҳамма соҳанинг сир-асрорини пухта биладиган раҳбарни ҳаётда топиш ўзи қийин.

Лекин, бошга тушганни кўз кўрар, деганларидек, вилоят раҳбари вазифасида ўтирган одам ўзи етакчи бўлган ҳудуд олдида турган муаммоларни ҳар томонлама чуқур англаши, уларни ечиш, кўзланган марраларга эришиш учун илгари ўзига нотаниш бўлган соҳаларни ҳам – у қандай соҳа ва тармоқ бўлишидан қатъи назар – ўзлаштириб олишга қаттиқ интилиши, керак бўлса, шу йўлда бутун куч-ғайрати ва борлиғини сафарбар қилиши зарур эмасми?

Шу кўз билан қарайдиган бўлсак, К.Тўлагановнинг, мен қишлоқ хўжалигидан узоқман, деган фикрда бўлганини у шу лавозимда иш бошлаган дастлабки пайтда балки тушуниш мумкин эди.

Бироқ ўз зиммасига пойтахт вилоятига биринчи раҳбар бўлишдек катта масъулиятни олганидан сўнг, ҳоким деҳқончилик сир-асрорини, унинг негизини ўзлаштиришни ўзи учун асосий мақсад қилиб қўйиши, шунга эришиш учун кечаю кундуз тиним билмай ҳаракат қилиши лозим эди.

Бир сўз билан айтганда, К.Тўлаганов шу икки йил давомида вилоят қишлоқ хўжалигини атрофлича ўрганиши, ўзини деҳқон, фермер, агроном ўрнига қўйиб, уларнинг ҳаёти, қувонч-ташвишларини яқиндан билиши, мавсум пайтида ҳали қуёш чиқмасидан далада бўлиши, ер билан тиллаша олиши, умуман, деҳқон меҳнатининг нақадар машаққатли, оғир ва мураккаб эканини юрагидан ўтказиб яшаши керак эди.

Минг афсуски, вилоят ҳокимининг иш фаолиятида ана шундай ҳиссиёт ва интилиш сезилмаганини бугун очиқ айтишга мажбурмиз.

К.Тўлаганов мана шу ҳолатларни тушуниб, ўз фаолиятида йўл қўйган хато ва камчиликларни тан олиб, Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этиш ҳақида ариза билан мурожаат қилди.

Шу масала бўйича, яъни К.Тўлагановни Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этиш бўйича сиз, ҳурматли депутатлардан ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Бугунги ўта мураккаб замонда ҳар қандай раҳбар лавозимига муносиб номзод топиш нақадар оғир вазифа эканини сиз, шу залда ўтирган, кўпни кўрган мухтарам депутатлар ва халқ вакиллари ўз ҳаётий тажрибангиздан чуқур англамоқдасиз.

Вилоят ҳокими вазифасига номзод ҳақида сўз юритар эканмиз – бу лавозим ғоят масъулиятли экани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Бугунги мажлисимизга тўпланишдан олдин шу масала бўйича чуқур ўйладик, сиз, ҳурматли депутатлар ва фаоллар, тажрибали оқсоқоллар ва кайвонилар билан бамаслаҳат фикрлашдик.

Ва барча билдирилган таклиф-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, ҳозирги вақтда Бекобод тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Мирзамашрап Раззоқович Куччиев номзодини Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тавсия этишни маъқул топдик.

Мирзамашрап Куччиев Тошкент вилояти ҳаётини яхши билади. Охирги йиллар давомида Тошкент вилоятининг Қибрай, Паркент ва Бекобод туманларида ҳоким вазифасини бажариб келган.

Бу раҳбар илгари меҳнат қилган жойларида ҳам ишчанлиги, мавжуд муаммоларни ҳал этишда аҳоли билан тил топа билиши, билим ва дунёқараши, тажрибаси ва инсонийлик хусусиятлари билан ўзини ижобий томондан кўрсатган.

Ўйлайманки, агарки бу инсон билан бирга ишлаган одамларнинг фикрлари, у ҳақдаги ижобий таассуротларни инобатга олган ҳолда, уни шу масъулиятли лавозимга тавсия этсак, номзодимиз унга билдирган ишончимизни оқлайди, деб айтишга асосимиз бор.

Бу масалада қаршилик ёки бошқа номзодлар бўлмаса, Мирзамашрап Куччиев номзодини овозга қўйишни таклиф қиламан.

Муҳтарам депутатлар!

Бугун биз бошимиздан кечираётган мураккаб давр, ҳаётнинг ўзи ҳар қайсимиздан белни янада маҳкамроқ боғлаб, мана шу муқаддас юрт учун, унинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун сидқидилдан меҳнат қилишни, ёниб яшашни талаб этмоқда.

Бу йўлда шу азиз Ватан – барчамизники, унинг қудратини ошириш, ёруғ истиқболини таъминлаш – ўз қўлимизда, деган эзгу шиор диёримизда яшаётган ҳар бир инсоннинг қалбида доимо акс садо беришини истардим.

Мен бағри очиқ, меҳнаткаш, кўпмиллатли Тошкент вилояти аҳли ҳам ана шундай мақсад ва интилишни ўз фаолиятининг асосий мезонига айлантиради, бу заминнинг азалий шуҳратини қайта тиклашга, унинг пойтахт вилояти деган юксак номга ҳар томонлама муносиб бўлишига ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

# МЎЛ ҲОСИЛДАН ДАРАК

**Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳар йили ғалла ва пахтадан юқори ҳосил кўтарадилар. Хўжаликда деҳқончиликнинг бу икки тармоғидан келадиган даромад салмоғи ҳам йилма-йил ортиб бораётир.**

Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Аввалambор, улар ерни ўз вақтида, оби-тобига етказиб шудгорлаб олишга, шу билан бирга тупроқ таркибини ўрганиб, уни минерал ҳамда маҳаллий ўғитлар билан тўйинтиришга, сўнгра уруғни мақбул паллада, сифатли экиб олишга интиладилар. Муваффақиятнинг дастлабки асосий омили шу.

Айни дамларда хўжаликда 850 гектар майдонда буғдойнинг «Крошка» нави парваришланмоқда. Октябрь ойидаёқ экиб бўлингани боис ғалла тўлиқ униб чиқди ва кузнинг қулай шароитида қалин туплаб, баравж ривожланмоқда. Ғаллачилик билан шуғулланувчи 218 пудратчининг ҳар бири ўзига тегишли ердаги экин ҳолатидан кўнгли тўқ, ғалвир сувдан кўтариладиган вақтда камида 50 центнердан ҳосил олишни ният қилган.



***СУРАТДА:** пудратчилар Шавкат Ҳакимов ва Турсунали Эрназаров қийғос униб чиққан майсаларни кўздан кечирмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

**Бекободдаги саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш технологияларини, зарур механизмларини таъмирлашда, қурилиш-монтаж, пайвандлаш ишларини амалга оширишда «Саноаттехмонтаж» шўъба хўжалиги корхонасининг ҳиссаси катта бўлаётир.**

Жамоа шу кунга қадар вилоят ва республика ҳудудидаги кўплаб саноат корхоналарида катта ишларни амалга оширди. Корхона ишчилари Қорақалпоғистондаги Қўнғирот сода заводи қурилишида 110 миллион сўмлик, Фарғона азот заводи қурилишида 250 миллион сўмлик монтаж ишларини бажариб қайтдилар.

Шу кунларда монтажчи ва пайвандчилардан иборат бригадалар «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1- ва 2-навли прокат цехлари, энергетика ва капровит, оҳак цехларида, шунингдек, «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамиятида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширяптилар. Ўтган тўққиз ой мобайнида жами 310 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, корхонага 6 миллион 100 минг сўм соф фойда келтирилди.

Корхонанинг Сергей Кузиков, Шуҳрат Исроилов, Рустам Тоҳиров, Неъмат Юсупов, Афанасий Ли, Умарали Бозоров сингари илғор бригада бошлиқлари ва монтажчи-газпайвандчилари меҳнати ибратли бўляпти.

Жамоа қудратли техника ва механизмлардан моҳирона фойдаланмоқда. 100 тонналик СКГ-100, 25 тонналик «Днепр» ҳамда 10 тонналик КЭС-35-75 кўтарма кранлари, махсус пайвандлаш агрегатлари тинимсиз ишлаб турипти. Корхона доимо мижозлар билан гавжум. Уларнинг буюртмаси асосида жойнинг ўзида металл тўсиқлар, металл конструкциялари тайёрланади ва ўрнатиб берилади, темир эшик ва дарвозалар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

**Жамоат тартибини сақлаш, халқ осойишталигини, эл тинчлигини таъминлаш, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш — машаққатли ва шарафли вазифа. Вилоятимиз ички ишлар идоралари ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли шаҳар ва қишлоқларимизда тинчлик, осойишталик ҳукмрон. Ички ишлар ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, маънавий-маърифий билимларини янада мустаҳкамлаш, хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий риоя қилинишини таъминлаш бунга ишончли асос яратаяпти.**

**Огоҳликни кучайтириш, жипсликни мустаҳкамлаш, ҳар бир маҳаллада фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, профилактика инспекторлари билан жамоатчиликнинг яқин ҳамкорлиги, ёшларни диний экстремизм ва ақидапарастлик таъсиридан сақлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами кенгайиб, самараси ортиб бормоқда. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйганлар фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганлар ва турли оқимларга дахлдор бўлган фуқаролар билан доимий профилактик суҳбатлар ўтказилмоқда.**

**Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан «Тозалаш», «Тун», «Антитеррор», «Қорадори», «Спитамен» каби тадбирлар мунтазам ўтказилиб, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан кескин чоралар кўрилмоқда.**

**Фаолияти мобайнида ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган 600 нафар ходим рағбатлантирилди.**



# УЛАРНИНГ ТУНЛАРИ БЕДОР ЎТАДИ

**Яқинда Бўка тумани ички ишлар бўлимига мурожаат қилган киши безорилар ўғлини катта йўл бўйида калтаклаб, ёнидаги бор-йўғини олиб кетганлигини айтади.**

Жиноят қидирув бўлимида тезкор гуруҳ тузилиб, жиноятчилар изига тушилди. Бир кун ўтар-ўтмас, ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракати билан безорилик «қаҳрамонлари» фош этилди ва жиноятчилар қонун олдида жавоб берди.

— Мақсадимиз нафақат жиноятларни фош этиш, балки унинг олдини олишдир, — деди туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Файзулла Жаниқулов.

Маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, шу йилнинг тўққиз ойи давомида туманда 219 та жиноят содир этилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 та кам демакдир. Бу жиноятларнинг баъзилари ҳамон очилмай қолаётгани сир эмас. Улар орасида ўта оғир жиноятлар, шунингдек, номусга тегиш, безорилик, маст ҳолда жиноят содир этиш ҳоллари ҳам бор.

Туман ИИБ томонидан ўсмирларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш мақсадида янги спорт майдони фойдаланишга топширилди. Унда футбол, волейбол майдонлари, теннис корти ўрин олган. Шунингдек, тарбияси оғир болаларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари кенг жамоатчилик билан ишлаш борасида ҳам ходимлар аниқ дастурий режа асосида иш олиб боришмоқда.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

***СУРАТДА:** тезкор гуруҳ навбатдаги режа ҳақида фикрлашмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИБ

**Оила фарзанд кўрса, ота-онасига меҳрли, садоқатли бўлсин дея ният қилади. Бу бежиз эмас, албатта. Онага меҳрибон йигитнинг Ватанга садоқати, муҳаббати нечоғлик баланд бўлиши ўтмишдан маълум.**

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими эксперти, лейтенант Рустам Камолов мард, жасур, шижоатли, ўз соҳасига меҳрини берган, изланувчан, айни пайтда камтарлиги билан бошқалардан ажралиб туради. У ўзгалар билан муомалада эҳтиёткор, дилларга озор етказиб қўйишдан ўзини сақлайди. У «ҳар ким ўз қадрини билиши лозим, шундагина бошқаларнинг қадрига етади» деган нақлга амал қилади.

— Ишга қизиқувчанлиги, хушмуомалалиги туфайли тезда жамоамиз билан қовушиб кетди, — дейди бошқарма эксперт-криминалистика бўлими бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Раҳматов. — Даставвал соҳамиз сир-синоатларини катта лейтенант Дилшод Парпиев унга ўргатди. Қизиқувчанлиги боис криминалистика борасидаги билимларини бойитиши, унинг услубларидан воқиф бўлиши қийин кечмади. Ходимларимиз ишда хато қилишлари мумкин эмас. Уларнинг аниқ-равшан маълумотлари тергов-суриштирув жараёнида асқотади. Фақат воқеа жойини текшириш жараёнларида олинган бармоқ излари орқали шу йилнинг ўтган муддатида 126 та жиноят очилди. Бу натижаларга, албатта, қилни қирқ ёриб, ҳақиқатни ойдинлаштирувчи Рустам Камолов сингари ходимларимиз борлиги учун ҳам эришилмоқда.

Дарҳақиқат, жамоат тартибини сақлаш, халқ осойишталиги ва эл тинчлигини таъминлаш, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш жараёнларида экспертиза ва криминалистика бўлими ходимларининг хизмати беқиёсдир. Рустам болалигиданоқ ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти билан қизиқиб, криминал воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги фильмларни кўпроқ кўрар, тинчлик посбонларининг хатти-ҳаракатларини кузатиб, ўзича хулосалар чиқариб юрарди. 1999 йили Тошкент Кимё-технология институтини муваффақиятли тугатиб, ҳеч иккиланмай, ички ишлар идораларига хизматга қабул қилишларини сўраб мурожаат этди.

— Орзу-ниятларим ушалиб, шундай аҳил-иноқ, устоз-шогирд тамойилларига амал қилиб ишлаётган жамоа билан ҳамнафас бўлиб турганимдан жуда хурсандман, касбим билан фахрланаман, — дейди Рустам Камолов.

Унинг Чиноз, Янгийўл туманлари ва Олмалиқ шаҳрида содир этилган қотилликларни очишдаги хизматлари самарали бўлди.

**Шерали АНВАРОВ, вилоят ИИБ матбуот хизмати катта инспектори.**



***СУРАТДА:** Рустам Қамолов иш устида.*

Olamda nima gap?

# «ЯНГИ ОЗАРБОЙЖОН» ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

**Якшанба куни Озарбойжонда парламент сайлови бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарларга қараганда, "Янги Озарбойжон" партияси ғалаба қозонган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу партия 125 ўринли парламентдан 63 курсини эгаллаган. Мухолиф "Озодлик" блокига эса атиги 5 ўрин насиб этган.**

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш жараёнида сайлаш ҳуқуқига эга бўлганларнинг 46,8 фоизи қатнашганини маълум қилди. Шунингдек, комиссия вакиллари жиддий қонунбузарликлар ҳақида шикоят ва аризалар тушмаганини алоҳида таъкидламоқда.

Сайловда 4,5 миллион киши 1500 нафар номзод орасидан халқ ноибларини танлаш имкониятига эга бўлди. Номзодлар орасида амалдаги президент Илҳом Алиевнинг рафиқаси ҳам бор эди. Маълумотларга қараганда, Меҳрибон Алиева депутатлар сафидан жой олган.

Овоз бериш учун участкага келган президент И.Алиев сайлов одил ва ҳаққоний ўтишига ишонч билдирди. Бир неча кун илгари берган интервьюсида эса у сайлов қандай натижа билан якунланишидан қатъи назар мухолифат уни тан олмаслигини ҳам айтган эди.

Шундай бўлиб чиқди ҳам – мағлубиятга учраган "Озодлик" блоки вакиллари сайлов натижасини тан олмаётир. Шунга қарамай, аксарият мухолифатчилар сайлов мамлакат ҳаётида ижобий ўзгаришларни бошлаб беришига умид билдирмоқда. Масалан, "Мусовот" партияси раҳбари Исо Қамбар ушбу сайлов демократияни мустаҳкамлаш йўлидаги қатъий қадам бўлганини таъкидлади.

МДҲнинг кузатувчилар миссияси Озарбойжондаги парламент сайлови очиқлик ва ошкоралик руҳида, муқобиллик асосида ўтганини қайд этди. Ҳамдўстлик ижроия қўмитаси раиси В.Рушайло сайловда халқаро андозаларга мос равишда барча сиёсий кучларнинг эркин иштироки таъминланганини таъкидлади.

Европарламент делегацияси раҳбари Мари Анн Ислер Бесин ҳам Озарбойжондаги сайлов натижаларини ижобий баҳолади.

Озарбойжонда парламент сайловининг муваффақият билан якунланиши минтақада, МДҲда тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Анвар БОБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

# ПАРИЖ ТЕВАРАГИДАГИ ҒАЛАЁНЛАР

**Францияда юз бераётган воқеалар борган сари жиддий тус олмоқда. Париж атрофидаги бир нечта шаҳарчада юзага келган тартибсизликлар кенг қулоч ёйиб бораётир. Маҳаллий полицияга ёрдамчи кучлар жалб этилганига қарамай, вазиятни жиловлаш қийин кечмоқда.**

Айни чоғда Парижга туташиб кетган Бобиньи, Бонди, Бурже ва бошқа ўндан ортиқ шаҳарчада осойишталик издан чиққан. Айниқса, Ольне-су-Буа шаҳрида аҳвол анча оғир. Машиналарга ўт қўйиб, дўконларни вайрон этиш орқали ҳукуматга норозилик билдираётган безори ёшлар полициячиларга ўқ узишдан ҳам тап тортмаяпти. Ольне-су-Буада улар қирққа яқин машина жойлашган "Рено" дўконидан ташқари, маҳаллий полиция маҳкамаси биносини ҳам ёқиб юборди.

Хабарларга кўра, бир ҳафта мобайнида пойтахт атрофидаги ўнлаб шаҳарчада жами тўрт юзга яқин машина ва 27 автобус ёқиб юборилган, турли зўравонликлар оқибатида ўн киши яраланган, тўрт марта полициячилар ўққа тутилган. Бу шаҳарларнинг аксарияти Сена-Сен-Дени департаментига қарашли.

"Сена-Сен-Денида юз берган воқеалар тасодифий эмас, балки аввалдан ўйланган, пухта режалаштирилган ҳаракатлар оқибатидир", деди мамлакат ички ишлар вазири Николя Саркози.

Ёшларнинг ғалаён кўтаришига ўтган пайшанба куни Клиши-су-Буа шаҳрида рўй берган воқеа сабаб бўлди. Икки ўспирин полициядан қочиб, трансформатор панасига яширинган ва ток уриб ҳалок бўлган, иккови ҳам муҳожирлар оиласидан эди.

Кузатувчиларнинг фикрича, дастлаб оддий безориликка ўхшаб кўринган воқеалар эндиликда ижтимоий ва сиёсий норозилик ҳаракати тусини олиб бораётир. Париж атрофидаги шаҳарчаларда асосан Шимолий Африка давлатларидан кўчиб келган оилалар истиқомат қилади. Кейинги ўн йил ичида муҳожир ёшлар орасида ишсизлик авж олди. Ўқиш ва иш топиш улар учун анча қийин муаммога айланган. Уларнинг ҳукуматга нисбатан ёмон муносабатда бўлишига сабаб ҳам шунда бўлса керак.

Хабарларга қараганда, ғалаёнчи ёшлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракат қилмоқда. Улар орасида алоқа яхши йўлга қўйилган. Бунда асосан Интернетнинг ўрни катта бўляпти. Электрон почта орқали ҳукуматга қарши кайфиятда бўлган ишсиз ёшлар бир-бири билан тез топишиб, келишган ҳолатда ҳаракат қилмоқда.

Тартибсизликлар бунчалик кенг қулоч ёйиши ҳукуматни муҳожирлар яшайдиган шаҳарчаларда вужудга келган ижтимоий муаммолар ҳақида жиддийроқ бош қотиришига мажбур қилаётир. Бош вазир Доминик де Вильпен Париж атрофидаги шаҳарчалар мэрлари билан учрашиб, ёшларнинг ўқиши ва ишлашига ёрдам кўрсатиш юзасидан амалий чоралар кўражагини маълум қилди.

Ҳозирга қадар полиция томонидан 143 нафар тартиббузар қўлга олинган. Бош вазирнинг айтишича, ҳукумат ёшларнинг талабига қулоқ тутиб, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилади, аммо ҳеч қачон жиноий тўдаларга эркинлик бериб қўймайди. Ғалаённи уюштирганлар қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади.

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

*2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили*

# ТИББИЙ МАЖМУА ҚАД КЎТАРМОҚДА

**Ангрен шаҳрининг Нуробод қўрғонидаги қурилиши тугалланмаган уч корпусли бино ўрнида вилоятда ягона фтизиатрия ва пульмонология мажмуасини қуриш жадал давом этмоқда.**



Ўтган тўрт ой ичида бу ерда асосий пудратчи — 159-қурилиш трести бинокорлари томонидан сметада белгиланган бир йиллик иш ҳажмининг 70 фоизи бажарилди.

Бунёдкорлик ишларига ҳашарчи ташкилотлар ҳам жалб этилган. Вилоят газ, сув, иссиқлик манбаи, шунингдек, қатор йўл корхоналари бу ерда ўз йўналишлари бўйича белгиланган вазифаларни сифатли амалга оширмоқдалар. Айниқса, Оҳангарон йўл қурилиши, ўрмон хўжалиги, Янги Ангрен ИЭСи шўъба корхонаси, «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ акциядорлик жамиятидан ажратилган ишчи кучи ва техника-транспорт воситалари фаол қатнашмоқда.

Мажмуани иссиқлик, иссиқ сув билан мукаммал таъминлаш мақсадида янги қувурлар ётқизилди. Мажмуа ҳудудида хиёбон, боғ ҳам барпо этиляпти ва ажратилган майдонларга Оҳангарон ўрмон хўжалиги томонидан манзарали ва мевали дарахтлар ўтқазиляпти. Шунингдек, ариқ-зовурлар қазилиб, хиёбон ўртасида иккита фаввора учун пойдевор қўйилаяпти. Бажарилган ишлар натижаси бевосита қурилиш майдонида ўтказиладиган ҳафталик штаб йиғилишида таҳлил этилиб, навбатдаги вазифалар белгилаб олиняпти ва муаммолар ҳам шу ернинг ўзида ечим топаяпти. Мақсад, мажмуани Наврўз айёмига фойдаланишга топширишдир.

Мажмуани замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида Германиянинг KEW банкидан инвестиция жалб этилиши режалаштирилган.

Мазкур режа амалиёти бўйича яқинда бир гуруҳ вакиллар — Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, KEW банкининг Олмаотадаги регионал бўлими вакиллари барпо этилаётган мажмуа билан танишдилар. Айни вақтда ажратилиши лозим бўлган маблағ бўйича тайёрланган ҳисоб-китоб ҳужжатлари республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда KEW банки вакилларига тақдим этилган.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг Электроника институтида физикавий электроника бўйича тўртинчи илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорликда ташкил этган тадбирда мамлакатимиз илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, илмий ишлаб-чиқариш бирлашмалари олим ва ёш тадқиқотчилари билан бир қаторда МДҲ мамлакатлари, Франция, Германия ва бошқа хорижий давлатлардан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда илм-фаннинг бошқа йўналишлари сингари физикавий электроника соҳасида ҳам ўзининг юксак салоҳияти билан дунёга танилган кўплаб илмий мактаблар мавжудлигини таъкидладилар. Фанлар академиясининг Электроника институти ана шу йўналишдаги етакчи илм даргоҳларидан биридир.

Институт олимларининг нафақат фундаментал кашфиётлари, балки замонавий технология ва асбоб-ускуналар яратиш бўйича ихтиролари ҳам жаҳонда алоҳида эътироф этилаётир. Хорижий патентларга сазовор бўлган ўнлаб юксак технологиялар Япония, Швейцария сингари тараққий этган давлатлар томонидан сотиб олингани шундан далолат беради.

Анжуманда физикавий электрониканинг истиқболли йўналишларига бағишланган қарийб икки юзга яқин маъруза тингланди. Микроэлектроника, экология, ускунасозлик, ион-плазма технологияси ва бошқа устувор соҳаларни тараққий эттиришда фундаментал тадқиқотлар ютуқларидан кенг фойдаланиш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида фикрлашиб олинди.

**Б. ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.**

# ЎЗБЕК КИТОБЛАРИ НАМОЙИШИ

**Германиянинг Франкфурт шаҳрида 57-Халқаро китоб ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор нашриётлари ҳам иштирок этди.**

Ушбу тадбир доирасида ўтказилган «Ўзбек китоблари» тақдимотида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Маънавият», «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», «Ўқитувчи» ва «Ўзбекистон» нашриётларида чоп этилган маҳсулотлар — турли китоблар, брошюра, альбом ва плакатлар намойиш этилди.

Ўзбекистонлик ноширлар Штутгард шаҳрида бўлиб, газета ва китоб чоп этиш ҳамда нашриёт жиҳозлари етказиб беришга ихтисослашган «Cantz Media», «Hatje Verlag» ва «Matthes Verlag» компанияларининг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ўтказилган музокаралар натижасида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясини техник жиҳатдан такомиллаштириш тўғрисидаги аҳдлашувга эришилди.

**«Жаҳон» АА.**

**2005 йил 15 ноябрь куни «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyat filiali» Қуйичирчиқ тумани, Дўстобод шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 1-уйда туман ҳокимлиги мажлислар залида Қуйичирчиқ туманида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган ер майдонлари бўйича соат 15.00 да аукцион савдоси ўтказилишини маълум қилади.**

Ер майдонлари савдосида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳри, Мирообод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Мурожаат учун телефонлар:** 133-49-31, 133-28-52, 133-77-18, **факс:** 133-48-73.

## Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

# ТАҚДИР ИБРАТИ

... Водийга тўйга бордик. Базм кечаси якунига етгач, таомилга кўра, биз каби — узоқ йўл босиб келган меҳмонларни тунаб қолиш учун қўшнининг уйига жойлаштиришди. Уй соҳиблари ярим кеча бўлишига, боз устига тўйдан тўйиб чиққанимизга қарамай, яна дастурхон ёзишди. Наилож, қайтадан меҳмондорчиликни бошлашга тўғри келди.

Хонадон соҳиби Аҳмаджон ака жуда меҳмондўст, суҳбати ширин, улфат кўрган инсон экан. Ёши етмишларга бориб қолганига қарамай, биз — сал кам набираси тенги йигитлар билан эринмай, у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб, даврага ўт қалаб ўтирди. Бу кишининг гап-сўзларидан кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотган инсон эканлигини яққол сезиш мумкин эди. Суҳбатимиз мавзуси айланиб, бугунги тинч, осойишта, фаровон ҳаётимизга, истиқлол берган имкониятлар, беназир неъматлар ва уларнинг қадрига етиш борасида кечарди. Мезбон шу ўринда ўз бошидан ўтказган бир воқеани айтиб берганида ҳаммамиз таъсирландик.

— Вақтида собиқ тузумга роса хизмат қилганмиз, — дея ҳикоясини бошлади мезбон. — Катта хўжаликда йигирма йилдан ошиқ раислик қилдим. Обрў зўр, маҳалладагилардан тортиб, туман раҳбарларигача ҳурматимни жойига қўйишарди. Кучга тўлган, бақувват пайтларим эмасми, қўлим остидагилар кўзимга тик қарашолмасди, амал, мансабнинг зўридан гўё етти қават осмонга чиқиб, ён-атрофдагиларни назарписанд қилмайдиган даражага бориб қолгандик. Қишлоқда гапимиз гап, ҳукмимиз ҳақ эди.

Мансаб, бойлик инсоннинг елкасига миниб олса, уни ҳар мақомга солиб ўйнаркан, одамни инжиқ, иззаталаб қилиб қўяркан. Афсуски, ўша вақтлар жуда кўп ҳалол, камтарин инсонларнинг кўнглини оғритиб қўйганман, ярасига туз сепганман, ҳали-ҳануз эсласам нақадар жирканч қиёфага кириб қолганимдан уяламан.

Хуллас, ҳаётимиз салкам шоҳона кечарди. Бироқ, ишонсангиз ҳаммаси бир кунда остин-устин бўлиб кетди. Баайни кўпчилик замондошларимиз бошига мусибат солган «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган хуружлар ўйлаб топилган, ҳўлу қуруқ баробар ёнаётган дамлар бошланган эди. Идорамизга 4 нафар орган ходимлари келишиб, худдики, манфур жиноятчини иш устида ушлагандек мени ва ёрдамчимни олиб кетишди. Бор айбнома шу: «катта»га беш минг сўм пора берган эмишман. На гувоҳ, на далил-ҳужжат бор, терговга, Москвага олиб кетишадиган бўлишди.

Қийин-қистовлардан сўнг, олдимга иккита шарт қўйишди. Ё туман раҳбарига пора берганим ҳақида ёзиб беришим, ёки жуда катта миқдорда «ўзлаштириб» юборган пулларимни қайтаришим керак экан. Улар зўр бериб бўйнимга қўяётган маблағ ўша вақтда хўжалигимизнинг салкам бир йиллик даромадига тенг эди...

Биринчи йўл мутлақо инсофдан эмас, иккинчи йўлни танлай десам, бунча пулни топишнинг асло иложи йўқ эди. Тақдирга тан бердим, адолатдан умид қилдим ва терговга борадиган бўлдим.

Мени нималар кутаётганидан бехабар эдим. Кетсам қайтишим ғоят гумон эди. Жилла қуриса уйдагилар билан хайрлашиб келишга изн беришларини талаб қилдим. Хайрият, бу талабим қаноатлантирилди.

Кузатувчи ҳамроҳлигида уйга келдим. Янгангизга бор гапни айтдим. Болаларга билдирмаслигини, уларни эҳтиёт қилишини, албатта, қайтажагимни тушунтирдим. У аввалига йиғи-сиғи бошлади, охири пешонасини ушлаганча мунғайиб қолди.

Ўша пайтлар менга ва хўжаликка роса садоқат билан хизмат қилган Мадамин исмли тракторчим бор эди. Ўзи ҳалол, инсоф-диёнатли йигит эди. Таассуфки, шундай инсонни ҳам охирги пайтлар бўлар-бўлмасга уриб-сўкиб, ўзимдан кўнглини қолдиргандим, хафа қилгандим. Мен йўқлигимда оиламдан хабар олиб туриши мумкин бўлган биргина инсон шудек туюлди ва ундан кечирим сўраш ҳамда муҳим гапларни тайинлашни кўнглимга тугдим.

Айни ёз чилласи, қоқ пешин пайти эди. Бу маҳалда далаларда бирор зоғ кўринмасди. Мадаминни излаб тўғри уйига бордим. Шўрлик тракторчимнинг уйида, ҳатто, дарвозаси йўқ эди. Бир қарашда унга дарвозанинг ҳам кераги йўқдек, унинг йўқотадиган нимаси бор ўзи? Тўғри кириб бордим. Кун ёндирай дейди. Чақирсам ҳеч ким овоз бермади. Секин чорбоғига ўтдим, ҳайрият, трактори турибди, демак, ўзи ҳам бор.

Атрофга алангладим. Кўзим беихтиёр ўқариқ ёқасидаги улкан тут дарахти тагидаги супага тушди. Ғир-ғир шабада эсиб турган супада солинган, эскилигидан ягири чиқиб кетган увада тўшак устида тракторчим хурракни отиб ухлаб ётарди. Пашша таламасин деган бўлса керак, дўпписини юзига кийиб олибди.

Биласизми, Мадамин тракторчи шу ҳолида менинг кўзимга дунёдаги энг бахтли, энг бойвачча инсон бўлиб кўринди. На ғам, на андуҳи бор, хурракнинг бир текис, уйқунинг равонлигини-чи... Ишонсангиз, унинг тепасида туриб роса хўрлигим келди. «Қанийди, шу оддий, фақир ва нотавон инсоннинг ўрнида мен бўлиб қолсам, вариллатиб тракторни ҳайдаб келсаму, осойишта дам олиб ётсам», дея хаёлдан ўтказдим. Оламни бошимга кўтариб йиғлагим, дод солгим келди. Бироқ, шу бахтиёр инсоннинг оромини бузишга журъатим етмади, гапларим ичимда қолди, чорбоғни тарк этдим...

Мана, пешонамизда бор экан, етти йиллик хор-зорликлардан кейин оқландик, ишга тикландик, нафақага қадар эл-юрт учун сидқидил меҳнат қилдик. Шум қисматим мени тамоман бошқа одамга айлантирди, инсон амал, мол-дунё билан бахтли бўлолмаслигига ишондим. Ҳақиқий саодат тинчлик-хотиржамликда, сабру қаноатда эканлигини англадим...

Мезбоннинг кечмиши ҳаммамизни чуқур ўйга толдирди. Шу оқшом ухлай олмадим.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

# МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

**Ўзбекистон Давлат консерваториясида тўртинчи халқаро симфоник мусиқа фестивали якунланди.**

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур фестивалда юртимизда мусиқа соҳасида сўнгги йилларда эришилган ютуқлар намойиш этилди.

Фестивалда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ санъатнинг барча соҳалари каби мусиқий меросимизни ҳам халқимизнинг чинакам маданий-маънавий мулкига айлантиришга катта аҳамият берила бошланди. Бунинг натижаси ўлароқ, миллий мусиқий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш билан бир қаторда мусиқа санъатининг турли жанрлари янада ривожланди, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи етук асарлар яратилди.

Бугунги кунда мусиқа санъатимиз хазинаси янги йўналиш, шакл, жанр, услублар билан тобора бойимоқда. Анжуманда Япония, Туркия, Вьетнам каби давлатлардан таниқли мусиқачилар иштирок этгани бунинг яна бир яққол далилидир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# БАХТ ОСТОНАСИ

**Оиланинг мустаҳкамлиги, айниқса, ёшлар бу муқаддас даргоҳни қай даражада қадрлай билишлари ён-атрофдаги кишиларнинг уларга бўлган муносабатига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.**



Шу маънода ёшларни оилага тайёрлаш, янги оилалар пойдеворини мустаҳкамлаш, уларга ҳаётнинг паст-баландликлари ҳақида тушунча бериш, бахт сари интилишга ўргатиш кекса авлоднинг зиммасидаги муқаддас вазифалардан биридир. 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан ўтказилган «Оила — муқаддас даргоҳ» мавзусидаги тадбир ҳам ана шу мақсадларга қаратилди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бошқа халқаро ҳамда нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда вилоят шаҳар ва туманларида яшовчи кам таъминланган ёш оилалар иштирок этишди. Тадбир давомида ёш келин-куёвлар ўзларини қизиқтирган масалаларда мутахассислардан маслаҳатлар ва саволларга жавоблар олдилар.

— Оиладаги тиббий муҳит борасида ҳам мен билмаган жиҳатлар жуда кўп экан, — деди зангиоталик Абдулазиз Мусаев. — Тадбир давомида бу борада кўплаб маълумотларга эга бўлдим.

Тадбир чоғида оиланинг муқаддаслиги, уни асраш мавзусида Ўзбек миллий академик театри жамоаси томонидан намойиш этилган саҳна асари барчага манзур бўлди.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан тайёрланган катта концерт дастури тадбирга янада кўтаринки руҳ бахш этди.

Тадбир иштирокчилари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

***СУРАТЛАРДА:*** *тадбирдан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



● *Футбол*

# «МЕТАЛЛУРГ»НИНГ 9-ҒАЛАБАСИ

**Олий табақа жамоалари навбатдаги 25-тур учрашувларини ўтказдилар. 4 ўйинда майдон эгалари, 1 учрашувда эса меҳмонлар ғалаба қозондилар, 2 учрашувда эса дуранг қайд этилди. Дарвозаларга 14 та тўп киритилди.**

«Пахтакор» «Бухоро» жамоасини 3:0 ҳисобида енгиб, мамлакат чемпиони унвонини расмийлаштириб қўйди. «Машъал» жамоаси эса Наманганда «Навбаҳор» билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйнаб, 50 очко билан иккинчи ўринни банд этди ва биринчи бор кумуш медални қўлга киритди.

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Металлург» жамоаси «Сўғдиёна»ни қабул қилди. 33-дақиқада Мухтор Қурбонов ҳисобни очишга эришди. Иккинчи бўлимда меҳмонлар жавоб тўпини киритиш учун қарши ҳужумлар уюштирдилар. Учрашув тугашига бир дақиқа қолганида меҳмонлар жавоб тўпини киритиб, ҳисобни тенглаштирдилар. Учрашув бош ҳакамии қўшиб берган 2 дақиқа давомида майдон эгалари ҳужумни янада кучайтирдилар. Мухтор Қурбонов ўзининг иккинчи тўпини йўллаб, «Металлург» ғалабасини таъминлади. Вакилимиз ҳамон жадвалда 11 ўринни банд этиб турибди.

Миллий чемпионат якунланишига бир тур қолди. Сўнгги турда «Металлург» «Нефтчи» майдонида тўп суради.

Биринчи табақа

# «КИМЁГАР»ГА БИР ҚАДАМ ЕТМАДИ

**Мамлакат 14-миллий чемпионатининг биринчи табақасида 18 жамоа баҳс юритди. Куни кеча сўнгги тур учрашувлари бўлиб ўтди.**

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Кимёгар» жамоаси ўз майдонида «Зарафшон» устидан 3:1 ҳисобида зафар қучди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси эса «Андижон» билан тенг кураш олиб бориб, 2:2 ҳисобида жанговар дурангга эришди.

«Кимёгар» чемпионатда 21 ғалаба, бир дуранг ва 12 мағлубият билан 64 очко тўплаб, бешинчи ўринни эгаллади. Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси эса 13 ғалаба, 10 дуранг, 11 та мағлубият билан 49 очко тўплаб, 10-ўринни банд этди. 84 очко билан биринчи ўринни эгаллаган «Андижон» ва 83 очко тўплаб, иккинчи ўринни банд этган «Хоразм» жамоалари олий табақага йўлланмани тўғридан-тўғри қўлга киритди. Учинчи ўринни банд этган «НБУ-Осиё» ва тўртинчи ўринни олган «Вобкент» жамоалари олий табақада сўнгги 2-ўринларни эгаллаган «Сўғдиёна» ва «Шўртан» жамоалари билан биргаликда олий табақага икки йўлланма олиш учун турнирда иштирок этадилар.

**Талъат ЮСУПОВ.**

# «ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК?» ЯПОНИЯДА

**Токиода VII — Болалар миллий дала ўйинлари халқаро фастивали бўлиб ўтди. У Япония Таълим, маданият, фан ва технология вазирлиги ҳамда мамлакатда аккредитациядан ўтган қатор элчихоналар кўмагида ташкил этилди. Тадбирда иштирок этган 20 дан зиёд мамлакат вакиллари орасида Ўзбекистон жамоаси фаол иштирокчи сифатида эътироф этилди.**

Токио марказидаги Ёзги боғда ўтказилган мазкур анъанавий фестивалда ўзбекистонлик вакиллар «Оқ теракми, кўк терак?», «Ўртага туш» сингари миллий ўйинларимизни японялик тенгқурлари иштирокида намойиш этишди. Майдон узра бот-бот янграб турган шўх-шодон олқиш ва ҳайқириқлар байрамга алоҳида шукуҳ бахш этди.

Яқинда Кунчиқар мамлакатида болалар ўйинлари ҳақида махсус китоб нашр этилди. Унда ўзбек миллий болалар ўйинларига алоҳида боб ажратилган.

Маълумки, инсон ҳаётининг барча жабҳаларига жадал кириб бораётган технология мўъжизалари одамлар орасида бўлиш, биродарлик, самимий мулоқот сингари қадриятлардан муайян даражада узоқлаштирмоқда. Бу, айниқса, ёш авлоднинг вояга етишида яққол кўзга ташланади. Турли компьютер ўйинлари, ранг-баранг телекўрсатувлар денгизига шўнғиб кетган технология асри болаларида одамовилик, жисмоний ва руҳий камчиликларга дучор бўлиш ҳоллари кўпайиб бораётгани сир эмас. Шу боис Японияда ёшларни нохушликлардан ҳимоя қилиш, Ватанга, инсониятга муҳаббат руҳида тарбиялаш, онги ва шуурига садоқат ҳамда эзгулик ғояларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Мазкур анъанавий халқаро тадбирни ўтказиш ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган.

**«Жаҳон» АА.**

## *Маънавият ҳақида ўйлар*




Бойқўзи бугун энг кенжа қизининг тўйини ўтказмоқда. Қариндош-уруғлари ва ўғилларининг «ҳеч бўлмаса бугун ичманг, келган меҳмонларни ёруғ юз билан кузатиб қўяйлик» деганларига қарамай, эрталабдан ичиб олди. Ичмаса бўлмайди, шунга ўрганиб қолган. Даволаниб ҳам кўрди, эскича қилиб ҳам кўрди, йўқ, иродаси етмади, ҳар сафар уч-тўрт кун сабр қилиб, яна ичиб қўяди.

У тўй куни ҳам ҳовлида тинмай юрар, дам бу ишга, дам у ишга аралашаверарди. Наҳорги ош тарқаб, энди хотин ошига тайёргарлик кўриш бошланганди. Бойқўзи анчагина алжираб қолди. Ҳамма ҳижолат, ахир, маст одамнинг қилиғи ҳам ёқимсиз бўлади-да. Катта ўғил Неъматнинг боши қотган, дам олинг, деб шунча ундаса ҳам кўнмас, ётқизиб қўйган жойидан туриб кетаверар, қозон бошига, аёллар ўтирган жойга бориб, ўзи билан ўзи алжирайверарди.

Ахийри бўлмади, хотинининг укаларидан бири — Эргаш қайниси «э, почча, ёш бола ҳам бунчалик эркалик қилмайди» деб уни оғилхонага олиб кирди-да, қўл-оёғини сигирнинг арқони билан боғлаб қўйди. Оғилхонадан чиқиб, «поччамни охурдаги пичаннинг устига ётқизиб қўйдим, бироз ўзига келса, уйғотамиз», деган гапига биров қулоқ солди, биров қулоқ солмади. Ҳамма ўз иши билан овора эди.

Қош қорайиб, келинни карнай-сурнай билан кузатишди ҳам тўй эгаси Бойқўзи ҳеч кимнинг эсига келмади. Сингилларини кузатган ака-укалар, қайнилар тўйдан чарчаб, ҳовлидаги супада икки-учта шишани бўшатишиб, донг қотиб ухлаб қолишди.

Эртаси тонгда уйғонган катта ўғил боши гарангсираб турарканн, бирдан ёдига дадаси келди. Югуриб оғилхонага кирса, дадаси осмонга қараб ётибди. Оёғидаги арқонни ечиб, «дада туринг, тонг отди, уят бўлади бу ерда ётишингиз» деса ундан садо чиқмади. Энгашиб, кўкрагига қулоғини тутди. Отасининг юраги урмасди.

Катта ўғил додлаб юборди, уйдагилар нима гаплигига тушунмай ҳаммаси ўрнидан туриб кетди. Катта ўғил супа четида турган тоғасининг олдига югуриб бориб ёқасидан олди: «Дадамни сен ўлдирдинг!»

Ўртада катта тўполон бошланиб кетди. Ким тоға тараф, ким ўғил тараф. Хуллас, қаттиқ жароҳатланган тоғани машинада касалхонага, катта ўғилни эса ички ишлар бўлимига келтиришди.

Бу воқеанинг содир бўлмаслиги мумкинмиди? Албатта, мумкин эди, агар ичкилик деган ярамас иллат орага қўшилмаганда.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак. Ўзбекнинг нимаси кўп, тўйи кўп, йиғини кўп. Лекин бирон тўйнинг ёки йиғиннинг ичкиликсиз ўтганини эслай оласизми? Масалан, мен эслай олмайман. Меҳмоннинг олдига, ҳатто, қуш сутини ҳам қўйинг, лекин битта «бўйни узун»дан бўлмаса меҳмондан олдин ўзингиз ҳижолат тортасиз, тўғрими? Нега? Нега биз буни одатга айлантириб юбордик? Нега, бу оғунинг қанча-қанча оилаларнинг бузилишига сабаб бўлаётганлигини кўриб, қанча одамларнинг шу туфайли соғлиғини йўқотаётганлигини билиб, келажак авлодимиз ҳаётига катта хавф солаётганлигини сезиб ҳам хулоса қилмаймиз, мулоҳаза юритмаймиз.

Бу ҳақдаги фикрларимни эшитган кўпчилик «ҳа, энди, давра ҳам, тўй ҳам шу билан қизиқ-да, бўлмаса совуқ ўтади» деса, бировлар «гапингиз тўғри, фақат биз ичишни билмаймиз» деб жавоб беради.

Баҳсталаб бу гапларни шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. Лекин «ичишни билмаймиз» деган гап мени бироз ўйлантириб қўйди. Чунки, ичма деган билан ичувчиларни йўлдан қайтариб бўлмайди. Ичаман дегани барибир ичади. Фақат бизнинг ичиш меъёрини билмаслигимиз тўғри. Бу ярамас одатнинг ёшларимиз ўртасида камайиш ўрнига кўпайиб бораётганлиги эса ҳаммамизни сергак торттириши керак.

Яқинда бир дўстимиз ўзининг 50 ёшини нишонлади. Дастурхонга барча нозу неъматлар қўйилган, санъаткорлар таклиф этилган. Табриклар, қутловлар кетма-кет бўлиб турибди. Буни қарангки, дастурхонга ҳеч ким иштаҳа билан қарамайди. Аввал суюғи, сўнг эса ош тортилди. Одамлар ҳар иккаласини тановул қилиб бўлгач, уч-тўртта бўлиб тарқай бошлади. Тантана икки соатга ҳам етмай, тугади. Дўстимиз мени бир четга тортар экан, «агар арок қўйганимда уч-тўрт соат ўтиришар экан, хато қилдим шекилли» деб қолди. Мен уни юпатиб «сиз ҳақингизда одамлар хушёр пайтда кўп яхши гапларни эшитди, ҳеч бўлмаса юздан ўнтаси сизга яна ҳам яқин дўст бўлди» дедим. У менга қараб «қайдам» дегандек елка қисди.

Давраларда ичкилик ҳақида гап борар экан, маҳаллаларда аёлларимиз ўтказаётган турли «гап-гаштак»лардаги ҳолатлардан ҳам кўз юма олмаймиз. Улар аёллик шаънини унутиб, ортиқча ичиб олиб, ҳар хил гапларни алжирашадиган давраларни кўриб, ёқа ушлайсиз. Шундай давраларнинг бирида мастлик билан бир-бирининг эрини қизғаниб, ёқа олишиб, бир-бирларига тан жароҳати етказиб, ахийри судланган икки аёл тақдири кимга ўрнак бўлишини билолмай гарангман. Кўчадан маст бўлиб келган онасини кўриб боланинг кўнгли чилчил бўлмайдими, эр ўзини ожиз сезмайдими?

Тўғри, бундай аёллар ҳали оз, илойим кўпаймасин. Лекин, улар даврасида қадаҳ айланаётгани бор гап. Бу бизни огоҳликка ундаши лозим. Зеро, ичкилик инсонни инсофдан, имондан айиради, маҳалладан чиқаради, уйингиздан баракани қочиради. Фарзандларингизнинг тарбиясига таъсир қилади, авлодингизга путур етказади. Бу гаплар янгилик эмас. Бу ҳақда кўп ёзилган. Қулоққа олган олади, олмаган йўлидан қайтмайди. Нима бўлганда ҳам, аста-секин бўлса-да, тўйларимиздан, давраларимиздан бу оғуни сиқиб чиқаришимиз керак. Амалга ошириб бўлмайдиган иш йўқ дунёда, фақат ҳамжиҳатлик бўлса, ниятга етамиз, шундай эмасми?

**Ҳамид НОРҚУЛ.**

Яккасарой туманидаги ҚК «Дениз пластик» масъулияти чекланган жамияти (ОКПО 19065717)
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 55-49-07 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Миробод туманидаги «Naytov Traiding» масъулияти чекланган жамияти (ОКПО 18985226)
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 120-89-82 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Юнусобод туманидаги «YUNUSOBODVISOPTIK» масъулияти чекланган жамияти (ОКПО 18816357)
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Мавлонова кўчаси, 52/7-уйда қабул қилинади.

Шайхонтоҳур туманидаги якка тартибдаги тадбиркор «Kuchimova Dilorom Dustyorovna»га тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов туман ҳокимининг 1995 йил 14 июндаги 44-сонли қарори билан «Тадбиркор ишонч» (ОКПО 03580966) агрофирмаси рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2004 йилда Жаниев Фарход Норбобоевич номига берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Государственное предприятие МСПКМ-440 Бектемирского района г. Ташкента (ОКПО 01360143)
**ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**
Претензии принимаются в течении двух месяцев с момента публикации объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Худайкулова.

Тошкент вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси Қибрай тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Рустам Комиловга акаси **Маҳкам АБДУВАЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-142. Адади 2678. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30. 2 3 4 5 6